

**“Автомагистраль” ихтисослашган автомобиль
йўллари қуриш-таъмирлаш бирлашмаси**

У С Т А В И

I. Умумий қондалар

1. “Автомагистраль” ихтисослашган автомобиль йўллари қуриш-таъмирлаш бирлашмаси (кейинги ўринларда - “Бирлашма”) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 14 ноябрдаги “Ўзавтойўл” давлат-акциядорлик компанияси ташкилий тузилмасини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-511-сонли қарорига мувофиқ “Ўзавтойўл” давлат-акциядорлик компаниясининг (кейинги ўринларда - “Муассис”) ташкилий тузилмасига киритилган.

2. Муассиснинг 2010 йил 16 сентябрдаги 111-сонли буйруғига асосан “Автомагистраль” ихтисослашган автомобиль йўллари қуриш-таъмирлаш бирлашмаси номланишидан давлат сўзи чиқарилиб, қайта номланган.

“Автомагистраль” ихтисослашган автомобиль йўллари қуриш-таъмирлаш бирлашмаси - “Автомагистраль” ихтисослашган автомобиль йўллари қуриш-таъмирлаш давлат бирлашмасининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

3. Бирлашманинг тўлиқ номи:

ўзбек тилида – “Автомагистраль” ихтисослашган автомобиль йўллари қуриш-таъмирлаш бирлашмаси (қисқартмаси – “Автомагистраль” ИАЙҚТБ);

рус тилида – Специализированное дорожно ремонтно-строительное объединение “Автомагистраль” (қисқартмаси – СДРСО “Автомагистраль”).

4. Бирлашма давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб юридик шахс мақомига эга бўлади ва унинг фаолият муддати чекланмаган.

5. “Автомагистраль” ихтисослашган автомобиль йўллари қуриш-таъмирлаш бирлашмаси Муассиснинг унитар корхонаси ҳисобланади.

6. Бирлашма ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Муассиснинг буйруқлари ва фармойишларига, ҳамда мазкур уставга мувофиқ амалга оширади ва ўз фаолиятини тўлиқ хўжалик ҳисоби асосида амалга оширади ва бевосита Муассисга буйсунади.

7. Бирлашма автомобиль йўлларида фойдаланишда Республика йўл хўжаликларининг асосий ва ҳал қилувчи, самарали фаолият кўрсатувчи қуйи хизмат бўғини – йўл бўлимларига эга.

8. Бирлашма таркибига ички хўжалик ҳисоби шароитида йўллардан фойдаланиш ва пудрат қурилиш бўлимлари, автожамлама асфальт-бетон темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи цех ва бошқача чиқариш, шу жумладан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари и хизматлар кўрсатиш бўлинмалари кириши мумкин.

9. Бирлашма уставига ўзгартиришлар Муассиснинг қарорига кўра киритилади ва белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилади.

10. Бирлашма алоҳида мол-мулкка, мустақил балансга, банк ҳисоб рақамларига, шу жумладан валюта ҳисоб рақамларига, рамзи, штамплари ва бланкаларига, Ўзбекистон Республикаси давлат герби тасвири туширилган, ўзининг номи давлат тилида ёзилган муҳрга эга бўлади.

11. Бирлашма қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз номидан мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқларни олиши ва амалга ошириши, мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

12. Бирлашма давлатнинг бошқа корхонаси муассиси бўлишга ҳақли эмас.

13. Бирлашманинг юридик манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, Барданкўл қишлоғи.

II. Бирлашманинг мақсади ва асосий вазифалари

14. Бирлашманинг асосий мақсади – тасарруфидаги халқаро ва давлат аҳамиятидаги умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида йил давомида, кечаю кундуз, узлуксиз йўллардан фойдаланиш хизматини ташкил этиб, транспортда юк ташиш сарф-харажатларини доимий равишда камайтирган ҳолда йўлдан фойдаланувчиларнинг транспортда ташиш эҳтиёжларини қондириш ва автомобиль йўллар тармоғини хавфсиз ишлашини, сақлашни таъминлаш, уни бутун чоралар билан ривожлантириш ва такомиллаштириш ҳисобланади.

15. Қуйидагилар Бирлашманинг асосий вазифалари ҳисобланади:

– тасарруфига бириктирилган халқаро ва давлат аҳамиятидаги умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини Ўзбекистон Республикаси «Автомобиль йўллари тўғрисида»ги қонунда белгиланган тартибда сақлаш ва фойдаланишни ташкил этиш ва бевосита мазкур қонун асосида бириктирилган автомобиль йўлларида ягона йўл техник сиёсатини амалга ошириш;

– бирлашмага бириктирилган халқаро ва давлат аҳамиятидаги умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари ва ундаги кўприкларга комплекс хизмат кўрсатиш ва уларни тегишли техник ҳолатда сақлаш, ҳамда ўтказиш қобилиятини ошириб бориш;

– бирлашма балансидаги автомобиль йўлларида узлуксиз ва хавф-хатарсиз транспорт қатновини таъминлаш учун мунтазам йўл хизматини ташкил этиш ва мазкур йўлларнинг транспорт оқимида хизмат кўрсатиш даражасини мутассил ошириб бориш;

– халқаро ва давлат аҳамиятидаги умумий фойдаланиш йўллари тармоғини сақлаш ва таъмирлаш бўйича режаларини шартнома асосида сифатли қилиб бажариш;

– тасарруфидаги халқаро ва давлат аҳамиятидаги умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини сақлаш, жорий таъмирлаш, қишки қаров, кўкаламзорлаштириш, табиий офатлар оқибатларини бартараф этиш ва бошқа ишларни амалга оширишда буюртмачи функцияларини бажариш;

– йўл хўжалиги ташкилотлари ва бошқа корхоналарни шартнома асосида тасарруфидаги автомобиль йўллари ва унинг бўлақларида асраш (сақлаш) ва йўл хизмати кўрсатиш бўйича ёрдамчи пудратчиларни жалб этиш;

– тасарруфидаги халқаро ва давлат аҳамиятидаги умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари тармоғи техник ҳолатини, йўл ишларининг сифати ва ишлаб-чиқариш технологиясига риоя қилинишини мунтазам назорат қилиш;

– тасарруфидаги халқаро ва давлат аҳамиятидаги умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини сақлаш ва таъмирлаш ишларини экология меъёрлари ва эстетика талабларини ҳисобга олган ҳолда бажариш;

– таркибидаги бўлим ва бўлинмаларда давлат мулкнинг сақланишини ва самарали ишлатилишини назорат қилиш;

– ўзига бириктирилган барча халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобиль йўллари тармоғининг ҳисобини олиб бориш, йўлнинг техник ҳолати, ҳаракат жадаллиги, ҳаракат хавфсизлиги тўғрисида ишонарли ахборот банкини тузиш;

– пудрат шартномалари асосида тасарруфидаги халқаро ва давлат аҳамиятидаги умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш, қайта қуриш, таъмирлаш ва сақлаш ишларини сифатли қилиб бажариш;

– бирлашма тасарруфидаги халқаро ва давлат аҳамиятидаги умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари тармоғини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг узоқ муддатли концепциялари лойиҳасини ишлаб чиқишда ўз таклифларини тайёрлаш;

– ишлаб чиқаришга илғор тажриба, янги техника, технология ва самарали йўл-қурилиш материаллари, меҳнатни ташкил этиш ва бошқариш соҳасидаги илғор тажрибаларни тадбиқ этиш;

– йўл қурилиш ишларига янги, замонавий техника ва технологиялар қўллаш орқали рақобатбардош, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва етказиб бериш;

– темир-бетон, асфальт-бетон, товар-бетон ва норуда маҳсулотларини, ҳамда метал қурилмалар ва маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш;

– автотранспорт, машина-механизмлар, темир йўл транспорти ва бошқа транспорт воситалари билан юк ташиш ва бошқа хизматларини кўрсатиш;

– қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш бўйича ёрдамчи хўжаликлар ташкил қилиш, ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, етиштирилган маҳсулотларни бирлашма ходимлари ва бошқа фуқароларга сотиш;

– ўзаро пудрат шартномалари бўйича бошқа корхоналар, м ташкилотларга иш бажариш, хизматлар кўрсатиш;

– тасарруфидаги автомобиль йўлларида ишончли ва те йўлга қўйган ҳолда узлуксиз диспетчерлик тизими орқали йўл

тўғрисида мунтазам маълумотларга эга бўлиш ва йўлдаги ҳар қандай ҳаракат хавфсизлигига алоқадор воқеа ва ҳодисалар ҳақида компанияни ўз вақтида хабардор қилиш;

– тасарруфидаги халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобиль йўлларининг минтақасидан тозалик ва эстетик талабларига риоя қилган ҳолда фойдаланиш;

– бирлашма ишлаб чиқариш имкониятларидан самарали фойдаланиш, меҳнат жамоаларининг ижтимоий ҳаётини яхшилаш учун шароитлар яратиш;

– улгуржи, чакана савдо;

– фойда олиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги доирасида бошқа фаолият турлари билан шуғулланиш.

16. Лицензия ёки махсус рухсат талаб қилинадиган фаолият турлари, ўрнатилган тартибда лицензия ёки махсус рухсат олингандан сўнг амалга оширилади.

III. Муассиснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

17. Муассис қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

– Бирлашма фаолиятининг мақсади, вазифалари, функциялари, предмети, турларини белгилаш;

– Бирлашма уставини тасдиқлаш, унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда бекор қилиш;

– Бирлашма раисини тайинлаш, у билан меҳнат шартномасини тузиш ва тузилган меҳнат шартномасини белгиланган тартибда муддатидан олдин тўхтатиш;

– Бирлашмани қайта ташкил этиш ва (ёки) тугатиш, номини ўзгартириш тўғрисида қарорлар қабул қилиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш ва тугатиш балансларини тасдиқлаш;

– Бирлашма мулкига оид битишувларни ҳақиқий эмас деб эътироф этиш тўғрисидаги даъво билан судга мурожаат қилиш;

– Бирлашманинг ортиқча, фойдаланилмаётган ёхуд белгиланган мақсадда фойдаланилмаётган мулкни белгиланган тартибда олиб қўйиш ва уларни тасарруф этиш;

– Бирлашма соф фойдасини тасарруф этиш ва уни сарфлаш йўналишларини белгилаш;

– Бирлашмага етказилган зарарларни ундириш тўғрисида Бирлашма раисига нисбатан даъво тақдим этиш;

– Муассис томонидан Бирлашмага берилган мулк ҳисобидан фойдаланишдан тушган соф фойданинг бир қисмини ёки ҳаммасини олиш.

18. Муассис қуйидагиларга мажбур:

– Бирлашма раисини тайинлаш, меҳнат тўғрисидаги қонун мувофиқ Бирлашма раиси билан меҳнат шартномаси тузиш;

– Бирлашмага берилган мулкдан мақсадли фойдаланилишини ва сақланишини, шунингдек унинг бегоналаштирилишини назорат қилиш.

IV. Бирлашманинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

19. Бирлашма қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- Республика йўл ҳўжалиги фаолиятидаги барча масалалар бўйича тегишли давлат бошқарув идораларига таклифлар, фикр-мулоҳазалар киритиш;
- Ишлаб чиқаришнинг моддий-техник таъминоти масалаларини мустақил ҳал қилиш;
- Аниқ иш турларининг ижрочисини танлаш;
- Меҳнат унумдорлигини ошириш ва ишларнинг сифатини таъминлайдиган меҳнатга ҳақ тўлашнинг турли шакллари қўллаш;
- Меҳнат жамоасининг ижтимоий ривожини масалаларини ҳал қилиш;
- Белгиланган тартибда банклардан турли кредитлар олиш;
- Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган барча ҳуқуқ ва имтиёزلардан фойдаланиш.

20. Бирлашма раиси Бирлашманинг яқка ижро этувчи органи ҳисобланади ва бирлашма олдига қўйилган вазифаларнинг бажарилишини ташкил этади, бирлашма номидан ишончномасиз фаолият кўрсатади, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалайди, бирлашма номидан шартномаларни имзолайди, битимларни белгиланган тартибда амалга оширади, ходимларни ишга қабул қилади, улар билан меҳнат шартномаларини тузади, ўзгартиради ва тўхтатади, буйруқлар чиқаради, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишончномалар беради.

21. Бирлашма раиси Бирлашмага юклатилган вазифа ва мажбуриятларга мувофиқ Бирлашма фаолияти ташкил этилиши учун шахсан жавоб беради.

22. Бирлашма ходимларининг штат бўйича сони ва уларнинг лавозим разрядлари Бирлашма раиси томонидан Муассис билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

23. Бирлашма раиси Муассис олдида бирлашма уставида белгиланган тартибда бирлашма фаолияти тўғрисида ҳисоб беради.

24. Бирлашма раиси ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва вазифаларини бажаришда бирлашма манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилади, ҳамда бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга тўловларнинг, иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши, меҳнат ҳуқуқлари ва муносабатларидан ҳақ тенглаштирилган тўловлардан келиб чиқадиган барча қондирилиши, ишлаб чиқариш фаолияти билан бевосита боғлиқ эҳтиёжлар учун пул маблағларининг ўтказилмаганлиги, ўзин

(ҳаракатсизлиги) туфайли, шу жумладан бирлашмага берилган давлат мулки йўқолган тақдирда, бирлашмага етказилган зарарлар учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

25. Бирлашма қуйидагиларга мажбур:

- Бирлашмага берилган мулкдан мақсадли фойдаланилишини ва сақланишини, шунингдек унинг бегоналаштирилишини назорат қилиш;
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига қатъий равишда риоя қилиш.

V. Бирлашманинг устав фонди

26. Бирлашманинг Устав фонди 630 940 081 (олти юз ўттиз миллион тўққиз юз қирқ минг саксон бир) сўм миқдоридаги асосий воситалардан ташкил топган ва тўлиқ шакллантирилган.

27. Бирлашманинг устав фонди Муассиснинг қарорига мувофиқ кўпайтирилиши ёки камайтирилиши мумкин. Устав фондининг кўпайтирилганлиги ёки камайтирилганлиги Бирлашма уставига бу ҳақда тегишли ўзгартириш киритилиб, ушбу ўзгартиришлар Муассис томонидан тасдиқланган ва белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин кучга киради.

28. Бирлашманинг Устав фондини кўпайтириш Муассиснинг қўшимча улушлари ҳисобидан ёки Бирлашма соф фойдаси ҳисобидан амалга оширилиши мумкин. Бирлашма Устав фондини Бирлашма соф фойдаси ҳисобидан кўпайтириш тўғрисида қарор Бирлашманинг ушбу қарор қабул қилинадиган йилдан олдинги йил фаолияти натижалари бўйича бухгалтерия ҳисоботи маълумотларига асосан қабул қилинади. Бирлашма Устав фондини камайтириш Муассис қарорига биноан Муассис улушининг номинал қийматини камайтириш ёки Бирлашма мол мулки ҳисобидан Муассис улушининг пул қийматини тўлаш йўли билан амалга оширилади.

29. Бирлашма мулки давлат мулки ҳисобланади, ҳамда:

- Муассис томонидан Бирлашмага биркитилган (берилган) мулк;
- Бирлашманинг ўз фаолиятидан олинган даромадлари;
- Қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа манбаалар ҳисобига шакллантирилади.

Бирлашма мулкининг қиймати унинг мустақил балансида акс эттирилади.

30. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари рўйхатига мувофиқ Тошкент вилояти ху халқаро ва давлат аҳамиятига молик умумий фойдаланишда

йўллари Муассиснинг бириктириш тўғрисидаги буйруғига асосан Бирлашма балансида туради.

31. Бирлашма мулки бўлинмас мулк ҳисобланади.

32. Бирлашма мулкни тасарруф этиш куйидаги ҳолларда Бирлашманинг раиси томонидан Муассис билан келишган ҳолда амалга оширилади:

- асосий воситаларни баланسدан чиқариш, сотиш, уларни ижарага ёки гаровга топшириш;
- мулкни бошқа хўжалик жамияти устав фондига улуш сифатида қўшиш;
- хўжалик жамиятларининг акциялари (улушлари)ни сотиб олиш;
- хўжалик жамиятларидаги Бирлашмага тегишли акциялар (улушлар)ни сотиш;
- мулкни Бирлашма фаолияти мақсадларига мувофиқ бўлмаган бошқача тарзда тасарруф этиш.

VI. Бирлашманинг фойдаси

33. Бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга барча солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан кейин бирлашмада қоладиган соф фойда Бирлашма ихтиёрида қолади.

34. Бирлашма соф фойдасини тасарруф этиш Муассис билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

35. Бирлашма ўз ихтиёрида қоладиган соф фойда ҳисобига Муассиснинг розилиги билан захира фонди ва бошқа фондларни ташкил этиши мумкин.

36. Бирлашма Муассис марказлашган жамғармасига соф фойдаси ҳисобидан тўловларни тўлашни ўрнатилган тартибда ташкил қилади.

VII. Бирлашманинг жавобгарлиги

37. Бирлашма ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли мулк билан жавоб беради. Бирлашма Муассиснинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди. Муассис Бирлашманинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

VIII. Бирлашма фаолиятини бошқариш ва назорат қилиш

38. Бирлашмани Муассис томонидан тайинланган раис бошқаради. Бирлашманинг раис ўринбосари, бош муҳандиси, бош ҳисобчиси Муассис билан келишилган ҳолда Бирлашма раиси томонидан тайинланади таркибидаги йўл бўлими бошлиқлари Муассис билан келиши. Бирлашма раиси томонидан тайинланади.

39. Бирлашма ҳисобот даври тугагач, ваколатли органларга молиявий ҳисоботни ва рўйхати қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳужжатларни тақдим этади, ҳамда ҳужжатларнинг сақланиши ва уларнинг белгиланган тартибда давлат томонидан сақлашга берилиши учун жавоб беради.

40. Бирлашма ҳисобот даври (чорақлик, йиллик) якуни бўйича Муассисга ўрнатилган тартибда баланс ҳисоботларини топширади.

41. Бирлашма фаолиятини хўжалик юритувчи орган сифатида назорат қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Муассис ва бошқа ваколатли органлар томонидан амалга оширилади.

IX. Бирлашмани қайта ташкил этиш ва тугатиш

42. Бирлашма Муассис қарорига кўра қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ёхуд суд қарорига биноан қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши мумкин.

X. Якуний қоидалар

43. Ушбу Уставда тартибга солинмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

44. Устав қонунга мувофиқ рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб кучга киради.

Бирлашма раиси